


“Тасдиқлайман”

“Узкоммунхизмат” агентлиги

Бош директори


Ю. А. Халмухамедов

“5” июль 2012 йил.

N189.

**Минтақалараро сув қувурлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда
ривожлантириш, истиқболни белгилаш ва иқтисодий тахлил Бош
бошқармаси**

НИЗОМИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Минтақалараро сув қувурлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ривожлантириш, истиқболни белгилаш ва иқтисодий тахлил Бош бошқармаси (матннинг давомида – Бош бошқарма деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 августдаги ПҚ-445 сон «Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини молиявий согломлаштириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги карори ҳамда «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2012 йил 29 июн 62-сон буйруғи билан тасдиқланган ташкилий тузилмасига мувофиқ ташкил этилган.
2. Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг Низоми, буйруқлари, фармойишлари ва Ҳайъатнинг қарорларига, Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган бошқа меъёрий хужжатларга ҳамда ушбу Низомга амал қилади.
3. Бош бошқарманинг фаолияти «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг Бош директори томонидан мувофиқлаштирилади.
4. Бош бошқарма ўз фаолиятини агентлик марказий аппарати таркибиға киравчи бошқарма ва бўлимлари ҳамда тасаррӯфидаги корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

II. БОШ БОШҚАРМАНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

5. Бош бошқарманинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:
 - минтақалараро сув қувурларининг ишончли ва барқарор ишлишини таъминлаш;
 - минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаларида ягона техник сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш;
 - минтақалараро сув қувурлари бошқармаларига чет эл инвестициялари ва замонавий технологияларни жалб қилишда иштирок этиш;
 - Ўзбекистон Республикасида коммунал сув таъминоти ҳамда оқова сув тизимларини ривожлантириш ва чет эл инвестицияларини амалга ошириш дастурлари бажарилишини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

- Минтақалараро сув қувурларини ривожлантириш истиқболларининг асосий йұналишларини ишлаб чиқиша ҳамда іқтисодий таҳлил ва истиқболни белгилашда иштирок этиш, техник ҳолатини зарур даражада сақлаб туришга имкон беруучи илмий-техника ютуқлар ва илгор тажрибаларни жамлаш ҳамда тизимга жорий этишга таклиф киритиш.

III. АСОСИЙ ФАОЛИЯТИ

6. Бош бошқарма үзига юқланған вазифаларга мұвоғиқ қуидаги фаолиятни амалға оширади:

- Минтақалараро сув қувурлари тизимида мутахасисларни тайёрлаш ва жойлаштириш, шунингдек уларни аттестациядан үтказиш ишларида қатнашади;
- меңнат мухофазаси, ҳавфсизлик техникаси, ёнғин ва йўл ҳаракати ҳавфсизликлари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва бажарилиши устидан назоратни амалға оширади, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисларни текширишда иштирок этади ва баҳтсиз ходисаларнинг сабабларини бартараф этишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқилиши ва бажарилишини назорат қиласди;
- минтақалараро сув қувурларининг категорияланған объектларини қуриклаш ва уларнинг техник ҳамда атроф мұхитни химоя килиш талабларига риоя этилишини назорат киилади;
- аварияларнинг олдини олиш ва содир бўлганда бартараф этиш, давлат мулкини қуриклаш ишларини мұвоғиклаштиради;
- минтақалараро сув қувурлари орқали үзатилаётган ичимлик сувининг сифатини кимёвий-бактериологик назорат қилиш талабларига риоя этилишини назорат қиласди;
- объектларни минтақалараро сув қувурларига улаш бўйича техник шартларни тайёрлаш;
- объектларни қиши даврида ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилиши, таъмир ишларининг амалға оширилиши, иншоотларнинг паспортизация килиниши устидан назоратни амалға оширади ва уларнинг истиқболларини белгилашда қатнашади;
- маҳсус сувлардан фойдаланиш учун рухсатномаларни расмиилаштириш ва ичимлик сув ҳисоби олиб боришини ташкил этишда амалий ёрдам курсатади;
- моддий-техника таъминоти, маҳсус автотранспорт ва механизmlар билан таъминлаш масалаларини хал этиш, машиналар, механизmlар, насослар ва бошка технологик жиҳозларнинг режали созлаш ишларини олиб боришида ва бошка турдаги технологик таъмирлаш ишларини ҳал этишда амалий ёрдам беради;
- минтақалараро сув қувурларига фойдали шартномалар ва контрактлар тузишда ёрдам курсатади.

IV. ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Бош бошқарма зыммасига юқланған вазифалардан келиб чиккан холда қуидаги хуқуқларга эга;

- Агентлик марказий аппарати бошқарма ва бўлимлари, шунингдек тасарруфидаги корхона ва ташкилотлардан ваколати доирасида маълумот ҳамда ахборотларни сураш ва олиш;
- Бош бошқарманинг ташкилий тузилмасига үзгаришлар киритиш бўйича агентлик раҳбариятига таклифлар киритиш;
- минтақалараро сув қувурлари мутахассисларининг малакасини, жумладан чет элларда ошириш ва тайёрлаш лойихаларида иштирок этиш;

- сув таъминоти ва окова сувларни қабул қилиш буйича хизмат кўрсатиш масалаларида йигилишлар, семинарлар утказишида иштирок этиш, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилишида маслаҳатлар бериш;

8. Бош бошқарманинг зиммасига юкланган вазифалардан келиб чиқган ҳолда куйидаги мажбуриятлари бор:

- Бош бошқармага юкланган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;
- фаолиятини раҳбарият тасдиқлаган йиллик ва ойлик режа-дастурларига асосан амалга ошириш;
- Агентлик раҳбариятининг топшириқларига асосан идоравий тегишлигидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш, тавсиялар ва тушунтиришлар бериш.

V. БОШ БОШҚАРМАГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

9. Бош бошқармага «Узкоммунхизмат» агентлиги Бош директори томонидан тайинланадиган ва Хайъат йигилишида тасдикланадиган бошқарма бошлиги раҳбарлик килади.

10. Бош бошқармага юкланган вазифа ва топшириқларнинг уз вақтида, сифатли бажарилишига бошқарма бошлифи, у булмаган вактларда эса ўринбосари масъулдир.

11. Бош бошқарма бошлиғи бошқарма ҳодимларини танлаш, малакасини ошириш ва тайёрлаш ҳамда уларни ташкилий тузилмасига мувофик лавозимларига куйилишини ташкил этади.

12. Бош бошқарма ҳодимларининг вазифалари ва мажбуриятлари уларнинг лавозим йурикномаларида белгиланади.

VI. БОШҚАРМАНИНГ МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ

13. Бош бошқарма фаолияти учун зарур ҳаражатлар «Узкоммунхизмат» агентлигининг умумий ҳаражатлар сметасида кузда тутилади.

14. Бош бошқарма фаолиятини ташкил этиш учун хизмат хоналари, мебел, жихозлар, ташкилий техника ва алока воситалари, канцелярия анжомлари ҳамда бошка зарур воситалар билан Бош бошқармани «Узкоммунхизмат» агентлиги рабарияти таъминлайди.

VII. БОШҚАРМАНИ КАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

15. Бош бошқармани кайта ташкил этиш ва тугатиш «Узкоммунхизмат» агентлиги Бош директорининг буйруги билан, амалдаги конунчиликка асосан амалга оширилади.

Бош бошқарма
бошлиғи

 Ў.Содиков